
Тоҷикистон президенти Арипов билан учрашувда сув масаласи бўйича нима деди?

Тоҷикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари бугун Тоҷикистон президенти Имомали Раҳмон ва республикага амалий ташриф билан келган Ўзбекистон бош вазири Абдулла Арипов томонидан муҳокама қилинди. Бу ҳақда «АП» хабар бермоқда.

Хусусан, савдо чекловларини бартараф этиш, фуқароларнинг икки томонлама сафарлари тартибини соддалаштириш, товарларни ташиш учун тарифларни пасайтириш, мавжуд темир йўлларни тиклаш, чегара ҳудудидаги миналаштирилган майдонларни тозалаш, назорат-ўтказиш пунктларини очиш ва бошқа масалалар муҳокама этилган.

«Давлат раҳбари сув ва энергетика ресурсларидан фойдаланиш борасида давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади. Унинг қайд этишича, Тоҷикистон минтақа мамлакатлари учун бу жиҳатдан ҳеч қачон муаммо яратмаган, аксинча сув ва атроф-муҳит соҳасидаги ҳамкорликни ҳар доим қўллаб-қувватлаган», - дея хабар берган ТР президенти матбуот хизмати.

Учрашувда шунингдек, минтақавий ва глобал таҳдидлар, жумладан, терроризм ва экстремизмга қарши курашда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари [муҳокама қилинди](#).

Манба; kun.uz

2018-01-11 13:33:52